

# Тақво билан вараъ орасидаги фарқ | Тазкия дарслари (252-дарс)



19:00 / 22.10.2023 2017

Тақво билан вараъ орасидаги фарқлар қуидагилардан иборат:

Тақво ҳимояга тайёргарликдир. Вараъ шубҳани даф қилишдир.

Тақво сабаби аниқ нарсадир. Вараъ сабаби гумон нарсадир.

Тақво инсон ўзи сақланишини истаётган нарсадан ҳазир бўлишидан иборат бўлиб, у ила инсон ва у ёмон кўрган нарса орасида тўсиқ ҳосил бўлади. Вараъ эса оқибати қандай тугаши гумон бўлган нарсадан нафснинг жудо бўлишидир.

Қуръони Карим тақводорларга бир қанча башоратларни ваъда қилган, улар жумласига қуидагилар киради:

Ёрдам, нусрат, икром, илм, ҳикмат, гуноҳларнинг ювилиши, ажрларнинг кўпайиши, мағфират, осонлик, ишнинг енгил кўчиши, ғам ва ташвишдан қутулиш, бу дунёда ризқнинг кенг бўлиши, охиратда азоб-уқубатдан нажот топиш, тавфиқ, мурод ҳосил бўлиши ва бошқалар.

Қуръони Каримнинг бир юз етмиш бешта оятида «тақво» сўзи келган. Мазкур оятларни ўрганиб чиққан уламоларимиз уларнинг қуидаги сарлавҳаларга тақсимланишини мулоҳаза қилганлар:

## Тақводорларнинг сифатлари ҳақидаги оятлар.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَيُقِيمُونَ بِالْغَيْبِ يُؤْمِنُونَ الَّذِينَ ٢ اللَّهُمَّ إِنَّمَا هُدَى فِيهِ رَبَّ لَا أَلَّا كِتَابٌ ذَلِكَ

بَلِكَ مِنْ أُنزِلَ وَمَا إِلَيْكَ أُنْزِلَ بِمَا يُؤْمِنُونَ وَالَّذِينَ ٣ يُفْعِلُونَ رَزْقَهُمْ وَمِمَّا أَصَلَّوَةَ

الْمُفْلِحُونَ هُمْ وَأُولَئِكَ رَبِّهِمْ مِنْ هُدَى عَلَى أُولَئِكَ ٤ يُوقِنُونَ هُمْ وَبِالآخِرَةِ



«Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир. Улар ғайбга иймон келтирадиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қиладиганлардир. Ҳамда сенга нозил қилинган нарсага ва сендан олдин нозил қилинган нарсаларга иймон келтирадиган ва охиратга аниқ ишонадиганлардир. Ана ўшалар Роббларидан бўлган ҳидоят узрадирлар ва ана ўшалар, ўшаларгина зафар топувчилардир» (2-5-оятлар).

Яъни Қуръони Карим шундай Китобки, унинг ҳақлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Унда ҳамма нарса очик-ойдин, аниқ-равшандир.

Қуръони Каримнинг яна бир сифати шуки, у

**«тақводорларга ҳидоятдир».**

Ҳидоят мақсадга эриштирувчи йўлни лутф билан кўрсатишdir.

Тақводорлар эса уқубатга элтувчи нарсалардан сақланадиган шахсларdir.

Демак, Қуръони Карим ҳидоятидан баҳраманд бўлиш учун тақводор бўлиш керак экан. Тақвосиз қалбга Қуръони Карим ҳидоят солмайди. Кимки Қуръони Каримдан ҳидоят олибдими, демак, унда тақво бор экан.

Кейинги оятда мазкур тақводорларнинг сифатлари келади:

**«Улар ғайбга иймон келтирадиган, намозни тўқис адо этадиган ва  
Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа  
қиласдиганлардир».**

Ушбу оятда Қуръон ҳидоятидан баҳраманд бўла оладиган тақводорларнинг сифатларидан учтаси саналган. Биринчиси:

**«ғайбга иймон келтирадиган».**

Абул Олия ғайбга иймон келтиришнинг тафсирида:

«Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, набийларига, қиёмат кунига, жаннатига, дўзахига, мулоқотига, ўлимдан кейинги ҳаётга ва қайта тирилишга ишонишdir», деган эканлар.

**«Рухий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.